

# АДОЛАТ



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»  
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING  
ИЖТИМОЙ-СИЁСIIЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ  
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА  
БОШЛАГАН

2006 йил 2 июнь, жума



• СЌТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 22 (570) • www.adolat.uz • E-mail: adolat\_gazeta@mail.ru

Миллий махсулот

## Энг яхши спорт жиҳозлари — болаларга

Зоҳир Тўрақулов,  
«Адолат» мухбири

Самарқанд туманидаги «Стеклопластик» очик турдаги акциядорлик жамияти асосан мактаб ва коллежлар учун спорт жиҳозлари ҳамда мебеллар тайёрлашга ихтисослашган. Корхона мутахассислари бозор талабларини пухта ўрганиш ва мукамал технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳисобига буюртмалар сифатини яхшилаб, харидорларнинг ишончини оқламоқдалар.



Ҳозир бу ерда 50 турдаги спорт жиҳозлари тайёрланмоқда. Жамият билан ўтган йили болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда мактаб ва коллежлар учун 2 миллиард сўмлик махсулот етказиб берди. Шуниси эътиборлики, бу ерда тайёрланаётган спорт жиҳозларининг сифати хорижникидан асло қолишмайди. Нархи эса ўртача 20-30 фоизга арзон.

— Спорт ускуна-жиҳозлари учун керакли қисмларни маҳаллийлаштириш дастури асосида махсулотлар-

ни тўлиқ ўзимизда ишлаб чиқараёмиз, — дейди корхонанинг таъминот бўлими бошлиғи Раббим Ғаниев. — Шунинг эвазига салкам 600 киши доимий иш ва юқори маош билан таъминланди.

Излаган имкон топар, деганларидек, бозор рақобатида қўли баланд келаётган жамоа ҳозирги пайтда ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун янги буюртмаларни ўзлаштиришга, тендерга қўйилаётган спорт ускуналарининг харидорлигини оширишга ҳаркат қилмоқда.

Фракция йиғилиши

## Молиявий хизматлар бозори

тўғрисидаги қонун лойиҳалари Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари ва партия фаоллари муҳокамаида бўлди

Музаффар Абдушукуров,  
«Адолат» мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси «Адолат» СДП фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раҳбари Дилором Тошмухамедова бошқарди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарори хусусида фракция аъзоси Абдулла Абдуназаров сўз юритди.

— Ушбу меъёрий ҳужжат тадбиркорлик субъектлари учун қўлай муҳитни шакллантиришга ёрдам беради, — деди у ўз сўзида. — Шу билан бир қаторда тадбиркорлик, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини барпо этиш таъминланади. Қолаверса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги бир қатор камчилик ва нуқсонларни бар-тарafd этишда қўл келади.

Депутатлар «Солиқ маслаҳатчиси

тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди. Маъмур ҳужжатнинг иккинчи ўқишдаги муҳокамаида тайёрларлик жараёнида фракция томонидан берилган таклифлар инobatта олинганлиги, ammo қонун лойиҳаси устида янада жиддий ишланиши зарурлиги айтилди.

Шунингдек, фракция аъзолари қўйи палата аълиги мажлиси муҳокамаида киритилаётган «Микромолиялаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Фракция аъзоси Собир Турсунов депутатларга ушбу қонун лойиҳаси ҳақида тушунтириш берад экан, мамлакатимиз қонунчилигида микромолиялаш ва микромолиявий хизмат турлари ҳамда уларнинг хусусиятини белгилашда ягона ёндашув мавжуд эмаслиги ҳақида сўз юритиб, ушбу қонун микромолиялаш билан



боглик фаолиятни тартибга солиш учун ҳуқуқий базани шакллантиришнинг алоҳида таъкидлаб ўтди.

Юртбошимизнинг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида микрокредитлаш ва микромолиявий хизматлар кўрсатиш соҳасида муҳим вазифалар белгилаб берилган эди. Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Микрокредит ва микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари эътиборига ҳавола қилинди. Уларнинг бири «Микромолиялаш тўғрисида», иккинчиси «Микрокредит тўғрисида»

ги қонун лойиҳасидир.

Фракция йиғилишида муҳокама этилаётган қонун лойиҳасининг асосий вазифалари тадбиркорлик субъектлари ва аҳолини молиявий маблағлар ҳамда хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш учун шароит яратиш, уларнинг фаолиятини ошириш, шунингдек, микромолиявий хизматлар бозорини ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришдан иборатдир. Шундан келиб чиқиб депутатлар лойиҳа юзасидан тегишли таклифларини билдирдилар.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг «Экспорт назорати тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.



Носир Хамдаров олган суратлар

## Ушбу сонда:

ИНСОНЛАР  
САВДОСИГА  
ҚАРШИ

партия кўзгуси

ЁЛҒОН  
ГУВОҲЛИК

аҳвол

МУСТАКИЛ ВА ДАДИЛ  
ҚАДАМЛАР

шарҳ

МАҲАЛЛА  
ЯНГИ АХБОРОТЛАР  
ТИЗИМИДА

тараққиёт

ТАЛАБА  
БЎЛИШНИ  
ХОҲЛАЙСИЗМИ?

психолог маслаҳати

КАДР ВА МЕХР  
ИЧРА

мулоҳаза

2

3

4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ДАРСЛИКЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини ва 2004-2009 йилларда Мактаб таълимни ривожлантириш давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш доирасида республикада давлат таълим стандартлари, умумий ўрта таълим ўқув режалари ва дастурлари талай даражада тақомиллаштирилди, уларга мувофиқ замона талабларига мос келадиган янги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этилмоқда.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда. Биринчи синф ўқувчиларини, «Меҳрибонлик» уйлари, мактаб-интернатлар ва ихтисослаштирилган мактабларнинг тарбияланувчиларини, шунингдек кам таъминланган oilаларнинг болаларини дарсликлар ҳамда бошқа ўқув қўлланмалари билан бепул таъминлаш тизими жорий этилган. Ўқувчиларни ижара асосида дарсликлар билан таъминлаш тизими синов тариқасида жорий этилмоқда.

Шу билан бирга дарсликларни сотиш механизми аҳолининг уларга бўлган талаб-эҳтиёжини тўла қондиришни ҳисобга олган ҳолда бутун республика ҳудудида чакана савдонинг пухта тизимини ташкил этиш ҳамда уларни нашр этишга буюрт-

маномаларни шакллантириш жараёнига педагоглар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота-оналарини кенг жалб этиш йўли билан тақомиллаштиришни тақозо этади.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини янада ривожлантириш, уларни нашр этишга буюртманомаларни шакллантириш механизми ҳамда ижара тизимини, шунингдек дарсликлар чакана савдоси кенг тармоғини ташкил қилишни тақомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этишга буюртманомалар тўпламини шакллантиришнинг янги механизмининг жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин, бунда дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни чиқариш ва сотишга йиллик прогноз квоталари педагоглар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота-оналари иштирокида ҳар йили ўқазиладиган ихтисослаштирилган китоб кўргазма-ярмаркалари, шунингдек умумтаълим мактаблари кутубхона фондларини хатловдан ўтказиш натижасида белгиланади.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси

Халқ таълими вазирлиги «Ўзқитоб-савдо» ДАК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили октябрь-ноябрь ойларида барча вилоят марказлари, Нукус ва Тошкент шаҳарларида умумтаълим мактаблари учун кейинги ўқув йилига муҳжалланган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаларини ташкил қилсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, бунда умумтаълим мактаблари биринчи синфларининг ўқувчилари учун дарсликлар ҳар йили, 2-4-синфлар учун — икки йилда бир марта ва 5-9-синфлар учун — тўрт йилда бир марта янгиланади.

Узлуksиз таълим тизими учун ўқув дастурлари ҳамда дарсликларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича ҳукумат комиссияси (Р.С.Қосимов) умумтаълим мактаблари учун янги ўқув режалари, дарсликларнинг экспертизадан ўтказиш ва маъқуллаш чоғида дарсликларни янгилашнинг белгиланган муддатига риоя этилиши ҳамда уларнинг мазмунини асоссиз ўзгартирилишига барҳам берилишига алоҳида эътибор қаратсин.

(Давоми 2-бетда.)

— 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни —

## Келажак бунёдкорлари

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

Буюк мутафаккирлардан бири Бутун дунёнинг барча шодликлари боланинг бир томчи кўз ёшига арзимаиди, деган эди. Ҳақ гап. Болалик — бегубор олам. Бу даврда ўсиб келаётган ҳар бир мурғак болакайнинг дунёқараши шаклланади, ҳаётга, ён-атрофдаги ўзгариш ва янгиликларга бўлган қизиқиши ортади. Мамлакатимизда келажакимиз бунёдкорлари бўлмиш болаларни ҳар томонлама етуқ инсонлар этиб воёга етказишга жамият олдидаги энг олий бурч, ўта муҳим вазифа сифатида қаралмоқда.

(Давоми 4-бетда.)



«Адолат»га жавоб берадилар

## Жиддий огоҳлантирилди

Газетамизнинг 2006 йил 14 апрель сонида «Асосиз аралашувлар бўлмас» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинган эди. Мақолада кўтарилган муаммо ва камчиликлар юзасидан таҳририятимизга Республика Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ҳузуридаги қимматли қозғолар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази бош директори М. Юнусматов имзоси билан жавоб хати олинди. Унда, жумладан шундай дейилади:

«Танқидий мақолани ўрганиш жараёнида қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

«Чорсу» ЕАҲ акциядорлари томонидан юборилган аризалар Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси, «Қимматли қозғолар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қозғолар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази тўғрисида»ги Низомнинг 5- ва 6-бандларида мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун қабул қилинган. «Назорат қилувчи органлар вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан кўриб чиқиш асосида ўтказилган ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишлари

мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 4-бандига мувофиқ текширишни ўтказиш муддатлари риоя этилган.

Республика Адлия вазирлигида 2002 йил 23 апрелда рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қозғолар бозори тўғрисида»ги Қонунини бузганлик учун ишларни кўриб чиқиш ва санкцияларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 27-бандига мувофиқ, иш якуни бўйича қарор қабул қилиш шакли ва муддатлари тартиблари қонуний ҳал қилинган.

Далолатномада ва акциядорларнинг аризаларида акс этирилган ҳолатлар бўйича судга даъво аризасини киритишда Марказнинг Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан амалдаги талабларга ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни қўмитаси ҳузуридаги қимматли қозғолар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази тўғрисида»ги Низомнинг 1-банди инobatта олинмаган ҳолда амалга оширилган, яъни ишларнинг тегишли судга тааллуқлилиги бўйича киритилмаган.

Ушбу ҳолат бўйича Марказнинг Наманган вилоят бошқармаси бошлиғи Қ.Турғунова тегишли тушунтириш ва жиддий огоҳлантириш берилди.»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ҲУҚУҚЧИЛАРИНИ ДАРСЛИКЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ КЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳар йили 1 декабрдан:

кейинги ўқув йилига тавсия этиладиган дарсликлар рўйхатини, шунингдек янгиланган вариант чиқарилгани муносабати билан бекор қилинган дарсликлар рўйхатини ошоналарга маълум қилиши;

умумтаълим мактаблари кутубхона фондларининг зарур дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминланганлигини, шунингдек утилизация қилинадиган жисмоний ва маънавий эскирган дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни аниқлаш мақсадида мазкур кутубхона фондларини хатловдан ўтказишни;

навбатдаги ўқув йили учун ўқитилмаган тиллар, номлар ва синфларга қараб умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган ярмаркалари, педагоглар жамоатчилиги ва ўқувчиларнинг ота-оналари фикрини ўрганиш, шунингдек хатловдан ўтказиш натижалари асосида предметлар бўйича дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмалар чиқариш ва сотишга прогноз қўйишни;

4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан дарсликларни ярмаркаларда тузилган шартномалар бўйича чакана савдо тармоғи орқали эркин сотишни ҳисобга олган ҳолда ҳар йили шакллантирилган прогноз квоталари асосида ҳар йили 1 июлга қадар зарур ҳажмлар ва номлардаги дарсликлар ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни таъминлашни ташкил этишни таъминлашни;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмаларнинг нашриёт расмийлаштируви ва матбаа ижроси давлат стандартини белгиланган тартибда қайта кўриб чиқсин ва қайтадан тасдиқласин, уларнинг санитария-гигиена нормаларига мувофиқлиги ҳамда белгиланган фойдаланиш муддати давомида тегишли жисмоний ҳолатини таъминлашни ҳисобга олган

ҳолда уларни нашр этиш чоғида фойдаланадиган қоғоз ҳамда бошқа матбаа материалларининг сифат кўрсаткичларига нисбатан талаблар оширилишига алоҳида эътибор қаратсин;

матбаа корхоналарида ўрнатилган стандартларга риоя этилиши устидан самарали ички-назорат механизмининг жорий этилиши.

5. "Ўзқитобсавдо" ДАК Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда шаҳарлар ва туман марказларида аҳолига дарсликлар сотиш учун ихтисослаштирилган ярмарка-савдо шохбачалари ташкил этилишини таъминлаш, шунингдек олис аҳоли пунктларида дарсликлар чакана савдосини ташкиллаштириш чора-тадбирларини қабул қилиш.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда кутубхона фондларидан ўқувчиларга дарсликларни иқтиёрийлик асосида ижарага бериш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

2006 йилнинг 1 сентябидан бошлаб умумтаълим муассасаларининг ўртак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директори жағма-маси маблаглари ҳисобига кутубхоначиларнинг тариф ставкасига мансаб маошининг 20 фоизига миқдорда вақтинчалик устама ҳақ белгилаш воситасида кутубхона фонди саклашни учун ходимларни рағбатлантириш механизми жорий этилсин.

Бунда шу нарса назарда тутилсинки, кутубхоналардаги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни саклаш учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда ўқувчилар уртасида дарсликларни авайлаб асраш тўғрисидаги иқтиёрийлик асосида ижарага бериш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги Низомини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

умумтаълим мактабларининг кутубхона фондлари учун ҳамда ярмарка савдоси ва чакана савдо тармоғи орқали эркин сотиш учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин;

умумтаълим мактабларининг айрим топқандаги ўқувчиларини давлат бюджети маблаглари ҳисобига дарсликлар билан аниқ таъминлаш;

дарсликларни ижарага бериш тартиби;

кутубхоналардаги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни саклаш учун тегишли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда ўқувчилар уртасида дарсликларни авайлаб асраш тўғрисида иқтиёрийлик асосида ижарага бериш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда дарсликларнинг нархи ва уларни етказиб бериш билан боғлиқ сарф-харажатлар сунъий равишда оширилишига йўл қўймаслик устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини ка-сби бош вазирнинг ўринбосарлари Р.С.Азимов ва Р.С.Қосимов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2006 йил 31 май

И.КАРИМОВ

Куллар савдосидан йилга 7 миллиард доллар фойда кўришади

Инсонлар савдосига қарши

Ўз муҳбиримиз

Бугун жаҳон аҳлини одам савдоси, халқаро терроризм, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний савдога чиқарилиши ташвишга солимоқда. Халқаро ташкилотларнинг ҳисоботларига кўра, ҳозирда дунёда 27 миллиондан ортиқ куллар мавжуд. Ҳар йили 4 миллиондан ортиқ киши ноқонуний равишда чегаралардан ўтказилиб буюм ёки товар сифатида сотилади. Куллар савдоси билан шуғулланадиганлар йилга 7 миллиард доллар миқдорда фойда кўради.

Бугун дунё давлатларида бўлгани каби Ўзбекистон ҳам ноқонуний инсон савдоси (траффик) билан шуғулланувчилар ҳам учраётгани гўя ачинарлидир. Айниқса, бу манфур кимсалар хотин-қизларга ҳорижда мўмай даромад топиш имкониятини яратиб беришни ваъда қилиб алдашади. Оқибатда ўз қўллари билан ҳужжатларини етти ёт бегона шахсларга топширган аёллар кейинчалик, ҳарчанд уринишмасин ватанига осонликча қайтолмайди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ва Тошкент давлат юридик институти ҳамкорлигида ташкил этилган «Инсонлар савдосига қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари» мавзусидаги давра суҳбатидан маъна шунадай аянгли ҳолатнинг сабаблари ҳусусида сўз борди.

— Ушбу долзарб муаммонинг қўллаб-сабаб-



лари мавжуд, — деди давра-суҳбатда сўзга чиққан Тошкент давлат юридик институти «Халқаро ва сиёсий ҳуқуқ» кафедраси мудири, «Адолат» СДП аъзоси Гулҳебра Матқаримова. — Хуқусан одамларнинг ҳуқуқий савияси нисбатан юқори эмаслиги, ортиқча меҳнат қилмасдан енгил йўл билан пул топиш истагининг қўлчилиги, ишсизлар сонининг кўпчилиги, бундан ташқари ҳозирга қадар Ўзбекистон қонунийлигида ноқонуний инсон савдоси билан шуғулланувчиларга жиноий жазо чоралари акс этган қонунлар мажмуасининг йўқлиги шулар жумласидандир. Гарчи Ўзбекистон Республикаси БМТнинг трансмилий жиноятчиликка қарши Конвенцияси, Инсонлар савдоси ҳамда унинг шакллари томонидан фойдаланишнинг эксплуатация қилинишига қарши курашиш ҳақидаги конвенцияларни ратификация қилган бўлса-да, мазкур муаммонни бутунлай бартарф этиб бўлмапти. Шунинг учун қонунийликка айрим ўзгариш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Дарҳақиқат, инсонлар савдосига қарши кураш самардорлигининг муҳим шартларидан бири — мазкур соҳада махсус оқонди амал қилиши ва алоҳида орган фаолият кўрсатишидир. Таассуфки, қўллаб-мамлakatларда бундай қонун ва орган мавжуд эмас. Инсонлар савдосини жадал суръатларда ўсишининг

асосий сабабларидан яна бири сифатида иқтисодий қашшоқлик ва етишмовчилик муҳимини вақт қилиб кўрсатиш баҳона эмас. Амалиётдан маълум бўлишича, қуллик иллати иқтисодий ривожланган давлатларда ҳам бирмунча кенг тарқалган.

Бундан ташқари, ушбу иллатга қарши давлатлар уртасидаги ҳамкорлик етарли даражада ривожланмаганидир. Инсон савдосига қарши курашда универсал халқаро шартномалар қабул қилинган аммо уларни давлатлар томонидан ратификация қилиш ва амалиётга тадбиқ қилиш жуда ҳам суст. Шунингдек, халқаро жиноятчиликка қарши кураш бўйича давлатлар уртасидаги шартномалар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам бериш масалалари қўғоғларда қолиб кетмоқда. Тарафлар сансалорлик, сифатсиз тергов ҳаракатлари, ҳатто илтимосномада назарда тутилган топшириқни умуман бажарилмаслик ҳолатларига дуч келишмоқда. Натижада, аслида тезорликни ва удабуронликни талаб этадиган инсон савдосига қарши кураш самардорлиги ниҳоятда пасайиб кетаётди.

Давра суҳбатда инсон ҳуқуқини пайлом этадиган ва каби иллатларга барҳам беришда оқмавий ахборот воситаларининг жонбозлик кўрсатиши зарурлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Бир оилада уч савдош

Комил САХАТОВ, «Адолат» муҳбири

Шаҳрисабзлик Файрат Пулатов фаолияти давомида билим, меҳнат ва таҳриба бир-бири билан узвий боғлиқ эканлигини, улар эш бўлганда муваффақиятларга эришиш мумкинлигини эрта англаб етди. Шу тўғрисида билиминини оширишга зўр берди. Дастлаб республика рус тили ва адабиёти педагогика институтини тамомлади, сўнг Санкт-Петербургда киноинженерлар тайёрлаш институтини тахсил олди. Кинома-нографиянинг сир-асрорларини кўнг билан ўқиб-ўрганди. Кейинчалик эса Тошкентдаги кинорежиссерлик махсус курсини ҳам ўқиб тугатди.

1971 йили Шаҳрисабздаги "Ёш техниклар" марказида киностудия тўғрисида ташкил этилди. Кўп йил фаолияти давомида хаваскор ёшлардан ўнлаб шоғирдлар тарбиялади. Унинг қўллаб-қўллаганлари ҳозирда ўзи билан бақамат меҳнат қилишарди. Айтганча, Файрат ака шу пайтгача юздан ортиқ қисқа метражли фильмлар яратди. Унинг фильмлари республика миқёсидаги "Сеҳрли ёғду" ёшлар кино-фото фестивалларида фахрли ўринларга лойиқ деб топилди. Хусусан, "Қора зағча" ва "Олим сари йўл" филь-

лари олий совринга сазовор бўлди. "Ёшлик" студияси бадий раҳбари, киноҳодкор Файрат Пулатов бугунги кунда нафақат ўз соҳасида, балки ижтимоий-сиёсий соҳада ҳам фаол хизмат қилиб келмоқда. У ўғиллари Дилшод ва Элнурлар билан бирга "Адолат" СДПнинг фаол аъзоси ҳамдир. Улар жойларда партиянинг Фаолият дастурини кенг тарғиб этишмоқда.

— Файрат Пулатов ҳақиқатдан ҳам ташаббускор, изланувчан инсон, — дейди "Адолат" СДП туман Кенгаши биринчи котиби Мўмин Азизов. — У уюштириётган тадбир ва учрашувларда ҳамisha фаоллик кўрсатиб келмоқда. Айниқса, партиянинг мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёшлар орасида олиб бораётган маданий-маърифий ишлари таҳсинга лойиқ.

Дарҳақиқат, қарийб қирқ йиллик умрини инсоннинг маънавий камолотига бахшида этиб келётган Файрат Пулатов ўзининг жонқуярлиги, фидойилиги билан барчага ибрат кўрсатаётди. Айниқса, шу кунларда мустақиллигимизнинг ҳар бир йутуғидан фахрланиб, ўзгача шижоат билан меҳнат қилмоқда. Зеро, «Адолат» СДП жонқуяр аъзосининг ниёти битта: юрт обод, эл фаровон бўлсин.

Касаначилик — янгича мулкый имконият

10 минг 400 та янги иш ўрни яратилади

Анъанада янгича мазмун

«Оила жамиятининг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.» (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, XIV боб, 63-модда).

Гулҳебра КАРИМОВА

Оиланинг жамиятда тутган ўрни ва иштирокини янада оширишнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлашни мамлакатимиз Президентини фармонлари, ҳуқуқиматиз қарорлари ва алоҳида қабул қилинаётган қатор дастурларда ҳам акс этмоқда. Масалан, касаначилик механизми ривожлантиришга берилётган катта эътибор оиладек умбўрқий кадриятимиз ҳақида кўрсатилаётган гаамхўрликнинг яна бир намунаси.

Юртбошимизнинг шу йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар уртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда касаначилик ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда оила билан боғлиқ хайри анъана ва удулларимиз янгича мазмунда давом этишига муҳим омили бўлди. Зеро, касаначиликни ривожлантириш орқали хунармандлар сулоаларидан бўлган оилалар аждодларидан мерос бўлиб келаятган хунарларини келгуси авлодларга етказишга яна бир қўлайликка эга бўлди. Шунингдек, оилалардаги иш билан банд бўлмаганлар ишлаб чиқаришга жалб этилиб, оила бюджети даромадлари кўпай бошлади.

Фармонга кўра товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар 2006 йилнинг 1 февралдан бошлаб беш йил муддатга ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинди. Шу билан бирга корхона саноатининг текин фойдаланишига бериладиган асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарлар ҳам улардан фойдаланиш даврида мол-мулк солиғи тўламайдиган бўлди.

Касаначилик билан шуғулланаётганларнинг қонуний асосда ижтимоий муҳофазаси учун имконият яратилди. Қолаверса касаначилар шу пайтгача фақат кичик корхоналар билан шартнома асосида меҳнат қилган бўлишича, энди йирик саноат корхоналари билан ҳам ҳамкорлик қилишарди. Бу ҳар иккала томон учун ҳам манфаатлидир. Масалан биргина Фарғона вилоятида касаначиликни ривожлантириш орқали бу йил 10 миңг 470 та иш ўрни яратилиш кўзда тутилган. Бу — оила фаровонлиги юксалиди дегани. Энг муҳими, она ёки ота бир вақтинч ўзида фарзандлари тарбиясини ишлаб чиқариш билан узвий олиб боради. Шунингдек, оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлиги самарадорлиги ҳам ошади. Бинобарин, оилаларнинг соғлом ва мустаҳкамлиги маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлайди. Қолаверса, халқимизнинг азалий анъаналари, ҳалоллик, ростқўйлик, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби фазилатлар, энг аввало, оилада шаклланади.

Хуллас, касаначилик ривожига берилётган эътибор — ўзининг маънавий, иқтисодий-ижтимоий самаралари билан оилаларга бўлган юксак гаамхўрликнинг яна бир амалий ифодасидир.

Моддий манфаатдорлик — сифат кафолати

Гиламларда Ургут жилоси

Т. ЗОХИРОВ, «Адолат» муҳбири

Ўзбекистон бозорлари яна бир рақобатбардosh махсулот билан бойиди. Бу тўқувчиларнинг қўлида жило топган, нақшлари бетакрор, гўяг бежирим Ургут гиламларидир. Шу боис бугун мамлакатимизнинг Навоий, Андижон, Наманган, Қашқадарь сингари вилоятларидаги энг гавжум бозорларда унинг харидори бисёр.

Асли гиламдўзлик Ургут хунармандларини бугун элга танитди, десак янгилашмаган бўламиз. Касаначиликнинг бу тури узоқ азалий қадриятга, йиллар синовидан ўтган шакл ва анъаналарига, устоюз шоғирдларига эга. Ургут заминида умргузаронлик қилаётган ўнлаб оилалар азал-азалдан шу иш билан машғул. Бозор иқтисодиети эса гилам тўқувчиларни касбга янги-яна иштиёқ билан қарашга даъват этиб, холос.

Айни пайтда яқка ҳолда касаначилик билан шуғулланиб келган хунармандлар бозор талабларидан келиб чиқиб катта-кичик корхоналарга ўтиб меҳнат қилишмоқда. Сабаби буюк, хомаш, харид ҳамла овера бўлишмапти. Корхонага ҳаммаси пешма-пеш етказиб турилади. Харидор ташкилотлар билан олдиндан шартнома тузилади.

Ургутнинг 60 дан зиёд хунармандлар оиласини доимий иш билан таъминлаган «Анген Яшам» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси ана шунадай истиқболли корхоналардан бири ҳисобланади. Ҳозир бу ерда ойига 50-60 миңг квадрат метр сифатли гилам ва гилам матолари ишлаб чиқарилимоқда. Утган йилда 22 миллион сум соф фойда олган жамоа корхона учун талайгина ижобий ўзгаришлар ясашга эришди. Энг аввало, Туркиядан янада муқамалроқ дастгоҳ ва технологиялар олиб келинди. Гиламларнинг янги тажриба нусхаларини тайёрлайдиган цех ишга туширилди. Ходимларнинг маоши ҳам оширилди. Ша-роф Раупов, Гафур Самиев сингари уста хунармандлар оиласи ҳар ойда 70-80 миңг сумдан иш ҳақи оладиган бўлишди. — Гиламдўзларнинг шахсий манфаат-

дорлиги ошгани сифат учун қўшимча кафолатларни яратмоқда, — деди корхона ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Эсон Соҳибов. — Чунки эндиликда ҳар битта дастгоҳ бенуқсон ишлашини тўқувчиларнинг ўзлари назорат қилишади. Зарур тақлифлар беришади. Махсулот янада хари-дорлиг бўлиши учун ранглар ва нақшларнинг энг яхшисини топиб қўллашга ҳаракат қилишади.

Ургутдаги яна бир гиламдўзлик маркази — «Сам-Нуртаъвиз» қўшма корхонаси ҳам хунармандлар зич яшайдиган Поғвон маҳалласида ташкил этилган. Бу ерда ҳам салкам 40 оила азалий касблари билан машғул. «Ургутгазарлет» корхонаси эса ишлаб чиқариш қувватларини ошириб экспорт бўлишига тайёрлашни йўлга қўймоқда. Бу корхонада ҳам юз нафардан зиёд тўқувчи юқори маош билан таъминланган.

Дарвоқе, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, туман ҳокимлиги, солиқ ва банк идоралари тадбиркорликни, шунинг баробарида касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Улар фаолиятига ўринсиз аралашувлар, ортиқча текширишларга қатъиян чек қўйилган.

— Янги корхоналар очилиш, дастгоҳлар сотиб олиш учун бултур хунарманд-тадбиркорларга 60 миллион сумлик кредит маблагларини ажратдик, — деди «Микрокредитбанк»нинг туман бўлими бошқарувчиси муовини Азиз Каримов. — Бу маблаг ўнлаб оилаларни иш билан таъминлашга хизмат қилгани энг катта ютуғимиздир.

Туманда бошқарув ва молиявий хизмат идораларининг оқилона ҳаракатлари тўғрисида ишсизлик муаммоси ана шунадай муваффақиятга хал этилмоқда. Фақат ўтган бир йил мобайнида 50 га яқин кичик корхона ишга туширилиб, 500 дан зиёд киши доимий меҳнат билан банд бўлди. Муҳими, хунарманд оилалар ўз севган касблари билан шуғулланаётганликлари ҳам бозорни, ҳам рўзгорни обод қилмоқда.

Аҳвол

«Яраш-яраш» ўрнига иш теровдан теровга ўтди

Ёлғон гувоҳлик ноҳолисликка асос бўлди

Я. НОРБОВЕВ, журналист

— Мен бир неча йиллардан бери Денов туманидаги «Лолазор» буюм бозорига яқка тадбиркор сифатида фаолият кўрсатиб келаяпман, — дейди Денов шаҳар М.Шайхзода кўчаси 17-уйда яшовчи Гулҳебра Ҳамроева. — Кейинги йилларда бозорда назорат, айниқса, савдо қилувчилар билан профилактика ишлари бўлаштириб юборилганлиги сабаб айрим сотувчилар «ўзим хон — қуланкам майдон» қабилида иш тутмоқда. Ҳатто ҳеч бир асосиз жанжал чиқариб жиноят содир этишгага бориб етишмоқда.

2005 йилнинг 16 апрель кунини 8.30 ларда мен одатдагидек ўз иш жойимда савдо қилиб ўтирган эдим. Ўзатдан қарши томонимда савдо қилаётган Чинниҳол Муротова менга ёрдам бераётган кўёвман А.Тожиёвни ҳақоратлай бошлади. Бу ҳам етмагандек ёнида ўтирган ўғилларидан бири уни уриб кетди. Ч.Муротова ҳам ўғлига қўшилиди. Мен раста устида ўтирган жойимда «нега кўпчилик бўлиб кўёвминини ураясизлар, жанжаллашманлар» дейишим билан Ч.Муротова мени ҳақоратлаб, бир метр бандликдаги раста устидан итариб юборди. Мен орқам билан бетон ерга йиқилдим. Натижада орқа бош миям бўйин қисмидан жароҳат олиб касалхонага тушдим. Охир-оқибат иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Ушбу ҳолат бўйича Ч.Муротова Жиноят қодексининг 277-моддаси 3-қисми «г» банди билан айбдор деб топилди, жиноят ишлари бўйича Сароисиев туман суди билан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробари миқдорда жаримага тортилди. Бу жазо Ч.Муротовага пайшша чаканча ҳам таъсир қилмади.

Гулҳебра Ҳамроева юқори ҳуқуқ-тартибот органларига ёзган шикоят хатларида «участка нозирини Э.Абузаров материалларни икки ой мобайнида сифидида яшириб юрмаганда, ўз вазифасини қонуний бажариб ишни вақтида судга оширганда жиноят иши аллақачон ечимини топган бўларди» деб ҳисоблайди. Хуллас, Деновнинг «Лолазор» буюм бозорига ниҳояси бир-бирдан кецирим сўраш, «яраш-яраш» билан барҳам топиши мумкин бўлган воқеа терговдан теровга, суддан судга ўтди. Гувоҳлар кўрсатма бераверди. Уларнинг айримлари Г.Ҳамроеванинг кўрсатмаларини тасдиқлаш, айрим гувоҳлар эса Ч.Муротовани ёқлаб кўрсатма беришди. Судга ҳам, гувоҳларга ҳам бир нарса аён. Аслида жанжалга сабаб бўлган Чинниҳол Муротова-

га тегишли темир арматураларни Гулҳебра Ҳамроева қирқмаган. Агар у ўзбошимчилик билан бу ишни амалга оширганда шубҳасиз жавобгарликка тортилган бўларди. Бу иш бозор маъмурияти томонидан амалга оширилган. Қизиги шундаки, суд бозор маъмурияти ва бу ерда савдо қилувчилар уртасидаги муносабатлар қандай шаклланишига эътибор қаратайди. Судда гувоҳликка сўралган бозорнинг ҳужжали ишлари мудири Фуқрат Ҳамзаев ўз кўргазмасида, бозор раҳбарияти Ч.Муротова ўзбошимчилик билан ўрнатган темир тўсунини кестириб ташлаганини айтишга айтадию, айнан шу ҳолат жанжалга сабаб бўлгани ҳақида лом-мим демайди. Қизиг-а, бозор маъмурияти ўз ҳудудида бўлган мождорода ким ҳақ, ким ноҳақ эканини лоақал суриштириб ҳам кўрмаган. Гўё жанжалнинг улarga дахли йўқдек.

Хуллас, «Г.Ҳамроева ўз вазин билан орқасига йиқилган» деган мазмунда кўргазма берган Гувоҳлар етарлича топилди. Термиз давлат университетининг муҳандис-техника факультетининг кундузги бўлим талабаси Акрам Умаровнинг кўрсатмаси ҳаммасидан ошиб тушган. У 16 апрель кунини бозорга иш билан борганда воқеани, ўз кўзи билан кўрганлигини — Ч.Муротова Гулҳебра Ҳамроевани раста устидан итариб юборганини айтди.

Денов шаҳар юридик маслаҳат уйи адвокати А.Найомовнинг Термиз давлат университети ректори номига ёзган хатига муҳандис-техника факультети декани уриносбарига К.Ядгаров томонидан берилган жавобда эса «Термиз давлат университети муҳандис-техника факультети кундузги бўлим 3-курс талабаси Умаров Акрам 2005 йил 15-16 апрелда машғулларда бўлган. 1 смена (эрталаб)».

Деновдаги воқеа ҳам 16 апрель кунини эрталаб бўлган эди-ку? Бир вақтинч ўзида бир-бирдан қарийб 150 километр олисдаги икки жойда бўлиш учун адашмасан сехрлар бўлиш керак-ов.

Жиноят ишлари бўйича Сароисиев туман суди томонидан бўлган кўрсатма негадир ўз ҳуқуқий баҳосини олмади. Адвокат ва жаборланувчи Г.Ҳамроеванинг Акрам Умаров устидан хусусий ажрим чиқариб, Денов туман прокуратурасига юбориш ҳақидаги илтимосномаси эътиборсиз қолдирилди. Ахир, бугун ҳар қандай хатти-ҳаракат демократик жараёнларни бошидан кечираётган мамлакатимиз қону

Шарҳ

жаҳон сиёсат оламида ўз ўрнимиз, ўз сўзимиз, ўз овозимиз борлигини намоён этдик

Мустақил ва дадил қадамлар

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига доир айрим мулоҳазалар

Иброҳим НОРМАТОВ, сиёсий шарҳловчи

Бўйил истиқлолимизнинг ўн беш йиллигини нишонлаймиз. Шубҳасиз, ўтган йилларда ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида салмоқли ютуқларни қўлга киритдик. Шу жумладан, ташқи сиёсатда ҳам фахрланса арзийдиган шонли йўлни босиб ўтдик. Йўлнинг оғир ва машаққатли бўлишига қарамастан мустақил, аммо дадил қадам ташладик.

ҳими, биз ташқи дунёга даллаларсиз ҳамда воситасиз чиқишга ҳаракат қила бошладик. Бу ҳаракат тез орада кутилган самарани берди. Бизни бир ҳафта-ўн кун ўтиб дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакат таниди. Бу ўзбек дипломатиясининг, ёш Ўзбекистон давлатининг, овоз ўзбек халқининг катта ютуғи эди.

овозимиз борлигини намоён этдик. Хўш, бу нималарда, қандай хатти-ҳаракатларда кўринди? Аввало, жаҳон кун тартибига турган масалаларни муҳокама қилишда ўз қарашларимиз, ўз таклифларимиз, ўз ёндашувларимиз билан қатнаша бошладик. Ҳатто йирик халқаро анжуманларда Ўзбекистон ташаббуслар билан чиқди. Жумладан, Бош Ассамблеянинг БМТ юбилейига бағишланган йиғилишини эслайлик. Унда Ўзбекистон раҳбари Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг сафини кенгайтириш, хусусан, унинг сафига Япония ва Германия сингари тараққий этган давлатларни киритиш, БМТ қабул қилган қарорларнинг ижросини таъминлашда Бош котиб ваколатини кучайтириш, шунингдек зиддиятларнинг, турли низолар ҳамда моҳороларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадларини қўлаб, БМТнинг халқаро минтақавий ташкилотлар билан ўзаро муносабатини мустаҳкамлаш ташаббуслари билан чиқди.

Дипломатиянинг ўз қонунлари бор. Уларга амал қилсангиз, мақсадга эришиш йўлида уч-райдиган тусиқларни олиб ташлашда қийналмайсиз. Бизни жаҳон таниши ва тан олиши учун, аввало илгари ўзимиз билан бир иттифоқ таркибига бўлган, эндиликда ўз мустақилликларини эълон қилган ёш давлатлар билан муносабатларимизни оидинлаштириб олишимиз зарур эди. Биринчи навбатда Ўзбекистон расмий делегациясининг Россия Федерацияси расмий делегацияси билан музокаралари бўлиб ўтди. Натияжада икки давлат ўртасида бир-бирларининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш асосида ҳамкорлик урнатилиш тўғрисида ўзаро ахдлашувга эришилди. Шунингдек, Ўзбекистон бошқа бир катор ёш мустақил давлатлар билан ҳам ўз муносабатларини оидинлаштириб олди. Энг му-

Биз дунё сиёсатида ҳамда жиддий дипломатик мулоқотлар бошланди. Ҳар қандай айниқса, ёш давлат учун дунё сиёсати олами катта синов майдони. Ўзбекистонга ҳам ёндашувлар турлича бўлди. Аввало, ёш мустақил давлат мустақил ташқи сиёсат юритишига ишонилмади. Шунинг учун борди-келимизга қараб, тавakkal қилиб тахминларни бошладик. Жумладан, биргина 1992 йилнинг ўзида бизни гўҳ Туркия орқасидан эргашинида, гўҳ Хитой моделини таллашда, гўҳ араб дунёсига оғиб кетишда, гўҳ Россия тавсирига берилишида тахмин қилишди. Ажабланирлики шундаки, агар биз бирорта давлат билан яқин муносабат урнатсак, бундан бошқа бир давлат тавсирига тушиши мумкинлиги ҳақида башоратлар ҳам қилишди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам биз ўз ўзини, ташқи сиёсатимиз учун синов эди. Шунингдек, бошқа синовлар ҳам кўп бўлди. Биз ҳаммасидан муваффақиятли ўтиб, ташқи сиёсатда ўзимиз танлаган мустақил йўлдан бораётганлигимизни амалда кўрсатдик. Яъни, жаҳон сиёсат оламида ўз ўрнимиз, ўз сўзимиз, ўз

Хабарингиз бор, Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлаш, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти фаолиятини жонлантириш, халқаро терроризмга қарши кураш борасида Ўзбекистон бир қанча амалий таклифлар киритди. Бугун қаерда, қандай масала кўрилмасин, бизнинг сўзимиз ва овозимиз бор. Бугун жаҳон сиёсат оламида биз ҳам бормиз. Бугун бизнинг сўзимизни тинглашга, овозимизни эшитишга, таклифларимизни ўрганишга, ташаббусларимизни қўлаб-қувватлашга япти.

Янги асфальт заводи

Шоҳруҳ САРИЕВ, «Адолат» мухбири

Жиззахда махсус йўл ва кўприк қуриш-таъмирлаш пудрат корхонаси иш бошлади. Вилоят ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотларнинг саръ-ҳаракати билан ташкил қилинган мазкур корхонада 40 нафар киши иш билан таъминланди.

этибор қаратилаётир. Уларнинг ўртача ойлик маоши 70-80 минг сўмни ташкил қилмоқда. Шунингдек, меҳнат жамоаси учун замонавий тарзда жиҳозланган ошхона, дам олиш хоналари хизмат қилаётир. Бу эса ўз навбатида меҳнат самарадорлигини оширишга имкон яратаяпти. Айтилган корхонада бир кунда 200-250 тонна асфальт ишлаб чиқарилмоқда.



Йодланган туз ва аҳоли саломатлиги

ЎзА

Бу ерда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли республика Эндокринология илмий-текшириш институти, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси ҳамда ЮНИСЕФ-БМТнинг халқаро Болалар жамғармаси ташаббуси билан "Ички истеъмол бозорига йодланган ош тузининг аҳамияти" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Жаҳон парламенти: ЖАР

Суд органлари ва полицияни оқ таълилар бошқаради

Ҳукумат ҳисобот беради

САОДАТ ТАЙЕРАЛИ

ЖАР парламенти Сенат ва Кенгаш палатасидан иборат бўлиб, унинг аъзоларини фақатгина 18 ёшдан ошган оқ танли фуқаролар сайлашади. Сенат (54 нафар сенатор) ва Кенгаш палатаси (171 нафар аъзо)нинг аъзоларидан тузилган Сайловчилар Коллегиаси 7 йил муддатга мамлакат президенти сайлашади. Энг қизиқи, мамлакатда камда 5 йил яшаб, 30 ёшдан ошган оқ танли фуқаро президентликка ўз номзодини қўйишга ҳақли. Президент — бош вазир ва вазирларни тайинлашдан ташқари парламентнинг мuddатдан олдин тарқатиб юбориши, бу ерда муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасига нисбатан мутлак veto эълон қилиши, халқаро шартномаларни ратификация қилиши, элчиларни тайинлаш ҳуқуқига эга. Айтилган у мамлакат қуроли кучларининг Олий қўмондончиси ҳамдир.

ламентдаги сайлов органлари — провинциал уюшмаларда ҳам ирқий тафовут мавжуд. Уюшма ижро қўмитаси ва унинг раҳбарини сайлайди. Шаҳарлардаги муниципал уюшма аъзоларини ҳам оқ танли фуқаролар 3 йил муддатга сайлаб, ҳар йили унинг таркиби 3/1 қисми янгиланиб туради.

Мамлакат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири — бантустанизациялаш дастури ҳисобланиб, унга мувофиқ ЖАР "оқ" ва "қора" ҳудудларга бўлинган (1951 йилдаги банту ҳокимияти тўғрисидаги қонун, 1959 йилдаги бантунинг ўзини ўзи бошқаришини рағбатлантириш тўғрисидаги қонунлар ҳуқуқий асос ҳисобланади). Давлатнинг 87 фоиз ҳудудини камраб олган "оқ" ҳудуд қора танлилар сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрумдирлар. Улар бу ҳудудларда муҳожирлар билан деярли бир хил мақомда бўлишади. "Қора" ҳудудда эса бантустант деб аталувчи 10 та қабила мавжуд бўлиб, Жанубий Африка таркибидagi колониялардир. Ҳар бир бантустантни президент томонидан тайинланган Бош комиссар бошқаради. Бантустантлар «мамлакат»ида ЖАР парламенти томонидан қабул қилинган репрессив қонунчиликка амал қилинади. Суд органлари ва полицияни оқ танлилар бошқаради.

Эл осойишталиги йўлида

Бахтиёр МАЪРИФБОЕВ, Қўбрай туман ИИБ воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори, майор

Аҳоли яшаш пунктлари, маҳалла ва қишлоқларда тинчлик, осойишталик таъминланганидагина эзгу мақсад-муддаоларга эришиш мумкин. Бунинг учун аниқлаб етган тумани ИИБ ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлимига ҳодимлари бир қанча тадбирларни амалга оширишмоқда.

Туманимизда 162 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг аксарият қисмини воёга етмаганлар ташкил этади. Қувонарликки, улар ўртасида турли жиноятларни содир этиш ҳолатлари сезиларли равишда камайиб бораётир. Бунинг сабаби шунки, тумандаги турли ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан мустаҳкам ҳамкорликни урнатганимиз. Туман ҳокимиятининг воёга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, халқ таълими, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш

ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими билан ҳамкорликда ягона режа асосида иш олиб бораётганлигимиз кутилган самара бермоқда.

Воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда жисмоний тарбия ва спортнинг роли беқиёс. Шу боис ёшларнинг бундай вазирларини мазмунли ўтказишларини қўлаб турли спорт тўғрисидаги секциялар ишлаб турибди, 9 та спорт жамоаси ташкил этилган. Яқинда «Янгиобод» маҳалласида янги қизлар спорт жамоаси тузиш ниятида. Спорт машғулотидаги малакали мураббийлар ўтказишга яна бир эътиборга молик жиҳат шунки, туман халқ таълими бўлимига қарашли ўсмирлар ижодиёт маркази тўғрисидаги бир қанча пунктларга бириктириб қўйилган. Бу ҳуқуқ емон ёшларнинг турғи йўлга бошлашда гоётда қўл келаяпти. Қолаверса, ўсмирлар ўртасида жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари ўрганилиб, тупланган ва аниқланган маълумотлар маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ҳамда диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилар ўртасида муҳокама этилиб, келгусида бундай нохуш ҳолатларга йўл қўймаслик чоралари қўрилмоқда. Бундан ташқари, режали тарзда ўтказиб келинаётган «Ўсмир», «Бо-




ТАФАККУР

Богчада газета ва журналлар билан таништирилади

# Келажак бунёдкорлари

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Дарҳақиқат, болалар юртимиз эртаси, келажакдир. Уларнинг баркамол бўлиб вояга етишларида таълим-тарбия масканлари, жумладан, мактабгача таълим муассасаларининг ўз ўрни бор. Пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги 541-болалар богчасида бу борада олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовордир.



Уз касбининг устаси, тажрибали педагог Дилфуза Умуразова раҳбарлик қилиб келаётган богчада 150 нафар жажжи ўғил-қиз таълим-тарбия олмақда. Богча ҳовлисига кириб боришингиз билан ям-яшил бог, шинамгина жихозланган ўйин майдончаси ва бассейн кўзга ташланади. Машгулотлар ва дам олиш хоналари ҳам бир-биридан чиройли, саранжом, юксак дид билан жиҳозланган.

Хукуматимиз ёш авлодни соғлом ва оқил фарзандлар қилиб ўстириш ва тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқда, гамхўрлик қилмоқда, — дейди мамнуният билан богча мудираси. — Чунки фарзандлар жону дилимиз, ҳаётимиз, келажакимиз давомчилари. Богчамизда тарбияланувчиларнинг соғлом фикрли, илмли, жисмонан бақувват бўлишлари учун барча шарт-шароитларни яратганмиз. Масалан, инглиз тили, мусика, рақс, моҳир қўллар каби тўғрақарлар ишлаб турибди.

Дарҳақиқат, богчада таълим-тарбия ишлари намунали йўлга қўйилган. Айниқса, маданий-маърифий ишларга катта эътибор қаратилган. Хар бир гуруҳ раҳбари болажонларда бадий адабиётга

кизиқиш уйғотиш мақсадида қизиқарли эртаклар, шеър ва хандалар ўқиб беришди, топилмоқлар айтишди, кундалик газета ва журналлар билан таништириб боришди. Мустақил Ўзбекистонимиз тарихи, давлат рамзлари ҳамда истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида мароқ билан сўзлаб берадилар. Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз билан ошно этиш учун эса кўпгина қизиқарли амалий машгулотлар, сўхбатлар, турли миллий ўйинлар ўтказилмоқда. Шунингдек, тарбияланувчиларга Бу-

хоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон, Тошкент шаҳарларидаги тарихий обидалар тўғрисида маълумот бериш мақсадида махсус фотоальбом, китоб ва журналлар тайёрланган. Бу каби тадбирларни мазмунли ўтказишда Феруза Ҳикматуллаева, Раъно Бобоқонова, Татьяна Саламахина, Аляфия Бобоқонова, Анна Сафанова, Муҳаббат Маҳкамова, Муҳайё Ҳикматуллаева, Бахтигул Холматова, Марина Фетисова, Ольга Иванова каби жонқуяр педагог-тарбиячиларнинг хизматлари айниқса салмоқлидир.

## Спорт

Барча рақибалар ортда қолди

### Оксана — шоҳсупада

Бохир БЕК

Россиянинг Москва шаҳридаги "Олимпийский" спорт мажмуида спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган жаҳон кубоги мусобақасининг навбатдаги босқичида дунёнинг энг кучли спортчилари голиблик учун куч сынашди. Мусобақача юртимиз шарафини

муносиб ҳимоя қилган Оксана Чусовитина таяниб сакраш беллашувларида барча рақибларини ортда қолдириб, шоҳсупанинг энг юқори погонасини эгаллади. Моҳир гимнастикачимизнинг бревенда бажарган машқлари ҳақамлар томонидан учинчи ўринга лойиқ топилди.

### Таймазов яна чемпион

Россиянинг Маҳачқалъа шаҳрида эркин кураш бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда ўнга мамлакатдан келган 130 нафардан зиёд спортчи ети вазн тоифасида гиламга чиқди. Ўттиз еттинчи мартаба ташкил этилган халқаро турнирда Ўзбекистонлик эркин курашчиларидан бўлган ҳамюртимиз Артур Таймазов барча рақибларини маглуб этиб, шоҳсупага кўтарилиди.

Халқаро турнирда Артур Таймазовдан ташқари яна уч нафар эркин курашчимиз — Аҳдам Очилов, Сослан Тигиев ва Курбон Курбонов кучли рақиблар билан тақдирланди.

### Балли, қиличбозлар!

Қозғистоннинг Усть-Каменогорск шаҳрида қиличбозлик бўйича ўтказилган аъённавий халқаро турнирда Ўзбекистонлик спортчилар ишга беллашувларида муваффақиятли қатнашди. 1987-1989 йилларда тугилган спортчилар ўртасидаги баҳсларда Р.Александров кумуш медални қўлга киритган бўлса, М.Қурбонов бронза

медали билан тақдирланди. 16 ёшгача бўлган қиличбозлар баҳсида Ғайрат Ҳайитов бронза медалига сазовор бўлди. Энг қизиқарли беллашувлар жамоавий баҳсларда қайд этилди. Унда барча рақибларини маглубиятга учратган жамоамиз биринчи ўринни эгаллади.

## Премьера

# Эзгулик ҳамиша голиб

К.АЛЛАЁРОВ, «Адолат» муҳбири

Қарши шаҳрида Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда вилоят прокуратурасининг "Уюшган жиноятчилик, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашга оид қонунлар ижросини ўрганиш" Маркази ҳамкорлигида тайёрланган "Андижон осмонига ой чиқади" спектакли премьераси намойиш этилди. Премьера мамлакатимизда тинчлик ва оқилолликнинг барқарорлигини таъминлаш, терроризмнинг машъум ҳаракатларига йўл қўймастик, шу соҳадаги тарбиёт-ташвиқот ишлари қўламини кенгайтириш мақсадида саҳналаштирилган.



Утган йили Андижонда бир гуруҳ террорчилар томонидан содир этилган қонли фожеалар халқимиз хотирасида бир умр сакланиб қолади, — дейди вилоят прокурорининг қонунчилик тарбиёти бўйича катта ёрдамчиси Саид Қодиров биз билан сўхбатда. — Уша мудҳиш воқеалар оқибатида беғуноҳ фарзандларимиз қурбон бўлди, оилалар жабр чеқди. Юртимиз тинчлигини, мустақиллигини қўролмаган манфур кимсалар Андижонда уруш оловини ёқишга уринишди. Бироқ ўзининг соғлом фикри ва ҳаёт тарзига эга бўлган юртдошларимиз уларнинг бундай номақбул ҳаракатларига эргашмадилар, аксинча ўз давлати, келажак олдига собитлигини намойиш этди.

Жиноятнинг олдини олган афзал. Шунинг учун фуқароларни, айниқса жиноят кўчасига, муқаддас Ислам динини ниқоб қилиб олган ёвус ниятли манфур кимсалар сафига билиб-билмай кириб қолган ёшларни тўғри йўлга

бошлашда бу каби тадбирларимиз яхши самара бермоқда. Айни пайтда спектакль вилоятдаги академик лицей ва касб-хунар коллежларида режа асосида намойиш этилмоқда. Келгусида маҳалларда намойиш этиш режалаштирилган. Бу орқали ҳуқуқий демократик жамиятимиз ривожига тўсиқ бўладиган бузғунчи қўлларга қарши кураш олиб борамиз.

Таниқли адиблар Нафас Шодмонов ва Қилич Нурмухаммад қаламига мансуб мазкур саҳна асари 2005 йилнинг май ойида Андижонда содир этилган қўловчилик ҳаракатларининг мудҳиш қўриқчилари асосида ёзилган. Саҳнанинг оқ ва қора рангиди шаарлар билан бойитилгани ёвузлик билан эзгуликнинг доимо ёна ён юриши, қора шарпаннинг ишидан огоҳ бўлиб яшаш кераклиги, қора шарпа тимсолидаги ёвуз ниятли галамисларга эргашганларнинг охири-оқибат ҳоли вой бўлиши тўғрисида томошабинни оғохлантиради. Асарда террористларга тушуниб-тушунмай эргашган ёш йигит фожияси орқали терроризм ҳалокатли оқибат эканлиги очиб берилади. Шунингдек, ноқобил фарзанднинг хатти-ҳаракатлари зурриёдининг умрига зомин бўлишига олиб келгани унинг ўз келажакига ўзи болта уриши билан баравар эканлиги таъсирчан тасвирланади.

Вилоятнинг таниқли актёрлари иштирокида саҳналаштирилган спектакль премьераси ҳар бир томошабинда, айниқса, ёшларда катта таассурот қолдириди. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, оқилолликимизни сақлаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги, бунда доимо огоҳ бўлиш лозимлигини яна бир бор дилдан ҳис этишди.

Тақдирот сўнггида вилоят прокуратураси ходимларининг актёрлар ва томошабинлар билан юзма-юз мулоқоти ҳам бўлиб ўтди.


Мулоҳаза  
Уша кўз ёшлар наҳот берувчи оби раҳмат бўлади

# Қадр ва меҳр ичра

умр кечириш улуг саодат

Бахтиёр ХАЙДАРОВ, журналист

Донишмандлар: «Агар бахтли бўлмоқчи истасанг, аввало, кимнидир бахтли қилишга ҳаракат қил», дея лутф этишган. Қадр ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Фаёласуф олим Собиржон Минаваров шундай ёзади: «Агар отанг олдида дастурхон ёзсанг-у, отанг дастурхонни ўнг ёз» деса, сен эътироз билдирма! Кексалик тўфайли кўзлари хиралашган падари бузрукворинг раъйини зинҳор қайтарма. Аслида ўнг томони билан ёзилган дастурхонни терс ёз! Отанг, дастурхон асли ўнг ёзилган, лекин сен унинг гапини икки қилмасдан, терс ёзганлигини билса, итотингдан тасирланиб, кўзлари ёшланса — уша кўз ёшлари сен учун наҳот берувчи оби раҳмат бўлади!»



Дарҳақиқат, фарзанд учун отананинг дуосидан улугроқ ҳазина, наҳот қўрғони борми? Баъзан фойли дунё ташвишларидан тинимсиз ёзганмиз-у, қаршимиздаги ганиматларимиз, буюк хазиналаримизни унутиб қўямиз! Ахир, улар дуосини олиш учун гаироддий қаҳрамонлик қўрсатиш шарт эмас қадр ва меҳримизни дариг тутмасак бас. Зеро, инсонни бу дунёда икки нарса — меҳр ва қадр тўтиб туради.

Профессор Иброҳимжон Аскаронинг кашфиёти-ю, асарлари рўйхатининг ўзи битта рисола бўлади. Китоблар ёзиш, янгиликлар яратиш, шоғирдлар тайёрлаш... Буларнинг ортида тинимсиз илганишлар, машаққатли меҳнат ва албатта, Оллоҳ берган истеъдод ётибди. Лекин олим ўзининг барча ютуқларини ота-онанинг дуоси тўфайли деб билади. Шоғирдларига ҳам доимо шунч таяқидлайди. Онаси Мархабоҳон аячинг

қандай дуо қилганини, орадан қанча вақт ўтгач бу дуо ижобат бўлганини ҳикоя қилиб беради. Бу ҳикоялар, таъбир жоиз бўлса, аниқ фактларга асосланган. Ахир, олимнинг самимий сўзларига, онаизор дуосининг қўдратига шубҳа бўлиши мумкинми!

Аскарон довланинг ота-она дуоси ҳақидаги сўхбатларидан сўнг сиз-да дуо-гўйларини — падари бузрукворингиз ва онаизорингиз хузурларига бор вужудингиз билан интиласиз. Бу ростдан ҳам шовишлишга аризулик эзгу ниятдаги бир фикрлаб кўринг: ҳаётда эришган ютуқларингиз билан отананинг дуолари ўртасидаги боғлиқлиги албатта топасиз!

Тўғри, бунгунги тезкор дунёда ишларимиз беҳад тиз. Аммо ҳар қанча зарур бўлмасин, улар ота-она дийдори олдида арзимас. Дунёни эгаллаган Искандар Зулқарнайн вақти келиб ажал оstonасида турар экан, афсус-надоматлар билан онасига мактуб битади: «Онажон, мен жаҳонгир бўлиб дунёни забт этиш урчиға, сенинг хузуригизда хизматини қилсам бўлмасмиди? Жаҳон хаданларини эгаллашдан кўра, сенинг пойингдаги гардни кўзларимга сургсам бўлмасмиди?!» Шундан сўнг жаҳонгир, кўп донишмандлар ҳикмат сифатида қайд этган машҳур васиятни баён этди: «Улсам, қўлимни тобутдан чиқариб қўйинглр. Мен бутун дунё хазиналарини эгаллаганим билан, чин дунёга қўлим бўш кетаёт-

ганини одамлар кўрсинлар». Айтмоқчимизки, бегараз дуо-гўйларимиз — ота-онанимиз қадрлайлик. Иброҳимжон домла каби чин кўнглидан: «Буларнинг бариси отананинг дуолари тўфайли», демокни урганайлик.

«Устоз — отангдек улуг», дейдилар. Устозларга моддий фойда ёки тирикчилик юзасидан эмас, балки маънавий зарурият тўфайли тобе бўламиз. Устознинг сўзи ва ўғити бизга ҳам моддий, ҳам маънавий фойда етказилади. Шунинг учун, устозларнинг маънавий бўстонидан чечаклар териш — чинакам саодат. Зеро, ҳадисларда айтилиши: «Хикмати сўз — мўмин кишининг мулкидир. Уни қардан топса, улаштириб олишга ҳақлиқингиз». Устоздан яхши фазилатларни ўрганиш билан бирга, уни амалда ҳам бажо келтирмоқ лозим.

Ҳаётдаги чароғонларимиз — устозларни қадрлайлик. Қадрлаш неъматини бу ёруғ дунёда ҳар қуни керак. Зотан, меҳр ва қадр ичра умр кечириш улуг саодат.

Психолог маслаҳати

Сизнинг бутун фикри-зикрингизни талаба бўлиш хоҳиши эгалласин

Феруза АКРАМОВА, психолог

# Талаба бўлишни хоҳлайсизми?

фақат ички хоҳишгина орзуга етишда ёрдам беради

Ҳозирги кунда барча олийгоҳларнинг қабул ҳайатларида янги ўқув йили учун қабул имтиҳонларига тайёрлик кетмоқда. Республикаимизнинг турли олийгоҳларида таҳсил олишни мақсад қилган ёш йигит-қизлар, ҳадемай тест синовларидан ўтишади. Абитурент ёшларга омад тилаган ҳолда, қуйидаги маслаҳат ва таъсияларни бермоқчимиз:

1. Сизнинг бутун фикри-зикрингизни ўқушга кириб талаба бўлиш хоҳиши эгалласин. Ички хоҳишгина инсонга ўз орзусига етишга ёрдам беришини унутманг.

2. Ҳаракатингиз, хоҳишингизни тўғри йўналиш олиши учун ўз мақсадингиз аниқ ва равшан эканлигига тўла ишонч ҳосил қилинг. Иккиланган, ишончсизлик кишида бирор ишга амалга оширишга ҳалақит беради.

3. Улаштирилган билимларингизни янада мустаҳкамлаб олишга интилинг. Бунинг учун хотира деб аталмиш ноёб имкониятингизни чарчалаб олишга ва ундан имкон қадар кўпроқ

фойдаланишга ҳаракат қилинг. Хотира инсон учун энг зарур психик билиш жараёни ҳисобланади. Сиздаги хотиранинг яхши бўлиши бир қатор омилларга боғлиқ. Бу омилларга қайфиятингиз, қизиқишингиз, иродавий кучингиз ва интилингиз кирди. Инсон хотирасининг самардорлиги эса синов пайтида материални эса туширишингиз аниқлиги, эслаб қолишингиз кенглиги, тезлиги ва давомийлиги билан характерланади. Бунинг учун қуйидаги қондаларга амал қилиш керак:

— Англисча қонуни — ўқиётган материалнигизни қанчалик аниқ ва чуқур англасангиз, у шунчалик хотирада мустаҳкам ҳолашади;

— Қизиқиш қонуни — ўқиётган материалнигизга қизиқиш билан қарашингиз керак. Бу билимлар сизга асқотиши, кейинчалик қўллаш олишингиз мумкинлиги юзасидан ёндашиг. Шунда ўқиган материалнигиз

сизга ёққан бўлгани учун ҳам керак пайтда дарвор хотирада тикланади;

— Эслаб қолишга тайёрлик қонуни — «Мен ҳеч бўлмасам, синов пайтида эса туширишим керак», деб иш тутсангиз хотира имкониятингиз намойиш бўлганлигини кузатасиз;

— Ассоциациялар қонуни — хотиранигизда ўқиётган билимларингиз мустаҳкам ўрнашини учун уларни бирор-бир нарса ёки ҳодиса билан солиштириш ёки тасаввур қилишни шакллантириг;

— Кетма-кетлик қонуни — маълумотларни, қондаларни тартиб билан ўлаштириб бориш керак. Сиз, мас-

дан, ҳарфларни алфавитдаги тартибни хотиранигизда осон сақлайсиз, керак пайтда тезда эса туширасиз, уни тексарисига айтиш ёки ёдга туширишга қийиндир. Шунинг учун материални эслаб қолиш учун бу қонун зарурдир.

4. Етарли билимга эга бўлиш учун қайси фанга қачон тайёрларлик қилишни ҳам билиш керак. Масалан, физикадан кейин математикани, тарихдан кейин адабиётни ўқиш жоиздир. Шунинг учун маълум муддат бир фани тайёрлаб, бироз дам олиб чалгигандан сўнг бошқасига ўтиш мумкин.

5. Тайёрларлик яхши бўлиши учун биологик актив соатларга эътибор қаратинг. Ҳар бир одамда ўзининг ўқиш, иш учун бир сутка давомида фаол соатлари мавжуд. Қўпинча эрта тонгда 5-6 орасида, кундузги 9-10 ларда ва ўшдан кейин 16-18 ларда, ҳоҳида уйқудан олдин соат 21-23 лар-

да ҳам фаол иш билан шуғулланиш мумкин.

6. Паришонхотир бўлманг, ўқишга диққат билан ёндашинг. Чунки паришонхотирлик ўқишда самардорликни пасайтиради, улаштиришга салбий таъсир этади. Шунингдек, бошқа нарсаларга, масалан, телевизор кўрсатувлари, телефон кўнги-роқларига ҳам чалгиманг.

7. Узингизга нисбатан талабчан бўлинг. Узингизга ўзингиз буйруқ бера олинг. «Мен албатта ҳозир мана бу материални яхшилаб билиб оламан, кейин эса ёддан айтиб бераман» тарзида ўз устингизда ишлашга интилинг. Ҳар қуни эрта тонгда кўзуга қараб автотренинг қилинг, яъни «Мен бугун жуда кўп материални албатта улаштираман, кўп ўқийман ва тинмай ўқийман», «Мен албатта талаба бўламан».

Азиз йигит-қизлар! Абитурентлик — қисқа давр. Сизда эса талаба бўлиш имконияти бор. Бу имкониятдан самарали фойдаланиш ва орзуингизга эришинг.

«Адолат» газетаси таҳририяти жамоаси таҳририй ходими Нилуфар Мирзаевага онаси НАИМА опанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Адолат»дан қўчириб босиш фақат таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

t — Мазкур белги остида тижорат мақодалари чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма Г — 700  
Хажми — 4 босма табоқ,  
Офсет усулида босилган  
Қўғоз бичими А-2.  
Адади — 1817

Нашр индекси — 100

Ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Босишга топшириш вақти — 20.00  
Босишга топширилди

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ газетаси

Таҳрир хайъати  
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,  
Иқбол МИРЗО,  
Турсунали ҚЎЗИЕВ,  
Тургунпўлат ДАМИНОВ,  
Равшан ХАЙДАРОВ,  
Мамазор ХЎЖАМБЕРДИЕВ,  
Исмоил САИФНАЗАРОВ,  
Собир ТУРСУНОВ,  
Шермат ШАМСИЕВ,  
Светлана ОРТИҚОВА,  
Муқаррамхон АЗИМОВА,  
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,  
Камол АЛЛАЁРОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари),  
Тальят МУРАТОВ

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 016 рақами билан рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: Қабулхона — 133-40-86 136-53-14 Факс — 133-41-89 Котибият — 136-55-96

Сиёсат ва партия ҳаёти бўлими — 133-41-89

Хатлар бўлими — 136-55-64

Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими — 136-54-39

Иқтисодий ва санъат бўлими — 136-54-39

Маркетинг ва реклама бўлими — 136-55-96

Навбатчи муҳаррир — Бахтиёр Тошназаров

Навбатчи Носир Хайдаров

Саҳифаловчи — Латиф Турсунов

«Адолат»дан қўчириб босиш фақат таҳририят руҳсати билан амалга оширилади.

t — Мазкур белги остида тижорат мақодалари чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма Г — 700  
Хажми — 4 босма табоқ,  
Офсет усулида босилган  
Қўғоз бичими А-2.  
Адади — 1817

Нашр индекси — 100

Ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Босишга топшириш вақти — 20.00  
Босишга топширилди